



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ ҒАЙРИЙИЖТИМОЙ ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, майор

Садуллаев Улуғбек Бектурдиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги
бўйича таълим олаётган 3-ўқув курси 314-ўқув гуруҳи
курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17532110>

ARTICLE INFO

Received: 1st November 2025
Accepted: 2nd November 2025
Published: 5th November 2025

KEYWORDS

Профилактика
инспектори, вояга
етмаганлар,
ғайрийижтимоий хатти-
ҳаракатлар, профилактика,
ҳамкорлик, ҳуқуқий асос.

ABSTRACT

Мақолада профилактика инспекторининг
вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик ва
ғайрийижтимоий хатти-ҳаракатлардан муҳофаза
қилишдаги фаолияти таҳлил қилиниб, амалий
чора-тадбирлар ва самарали услублар таҳлили
берилган.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик ва ғайрийижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилиши жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда долзарб масала ҳисобланади. Профилактика инспекторлари бу соҳада фаолият юритиб, вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини таҳлил қилиш, ҳуқуқий тарғибот ва профилактика тадбирларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайдилар. Уларнинг вазифаси на фақат ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, балки жамиятда ёшларни ижтимоий жиҳатдан мос муҳитда тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни ҳам самарали амалга оширишни ўз ичига олади.

Асосий тушунчалар (ЎРҚ-263, 3-модда асосида)

- **Вояга етмаган** — 18 ёшга тўлмаган шахс.
- **Ғайрийижтимоий хулқ-атвор** — шахснинг жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини бузувчи турмуш тарзи, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги.
- **Ҳуқуқбузарлик** — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик нуқтаи назаридан тўхталадиган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).
- **Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси** — вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва қаровсизлигига, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайрийижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тизими.

- **Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган** — назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга интилаётган шахс.
- **Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила** — ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаётган ёки салбий таъсир кўрсатадиган оила.
- **назоратсиз** — ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган;
- **Қаровсиз** — аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз вояга етмаган.
- **якка тартибдаги профилактика иши** — ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни ўз вақтида аниқлаш, шунингдек уларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш ҳамда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишининг олдини олишга доир фаолият;
- **ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар** — вояга етмаганнинг мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишида, фоҳишалик, тиланчилик билан шуғулланишида ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари, шунингдек ўзга фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлари [1].

Қонунчилик асослари

Профилактика инспектори вояга етмаганларнинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилишини олдини олишда қуйидаги қонун ва моддалар асосида фаолият юритади:

- **188-модда (МЖтК)** — вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп таъсир этувчи моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 20 бараваригача жарима билан жазоланади.
- **188¹-модда (МЖтК)** — вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарликка жалб қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 30 бараваригача жарима билан жазоланади.
- **188²-модда (МЖтК)** — вояга етмаган шахснинг қўнгил очиш жойларида тунги вақтда бўлиши, ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувсиз бўлиши базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан 15 бараваригача жарима билан жазоланади [2].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонуннинг

27-моддасида “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун ва бошқа қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади” деб кўрсатиб ўтилган [3].

- **ПҚ-1, 03.01.2025** — вояга етмаганлар, ёшлар ва ҳуқуқбузарлик содир этиши эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан манзилли ишларни тизимли ташкил қилиш, ички ишлар органлари инспектор-психологлари ва «маҳалла еттилиги» билан ҳамкорликда профилактик фаолиятни ҳар ой якунида муҳокама қилиш [4].
- **ВМ-801, 30.11.2024** — ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар: ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар сифатида алоҳида белгиланган [5]. Хулоса қилиб айтганда, вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлик ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этилишини олдини олиш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва келгусидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда

муҳим аҳамиятга эга. Профилактика инспекторлари вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ва хулқ-атворини мунтазам таҳлил қилиш, улар билан тарғибот ва профилактика тадбирларини амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар билан манзилли ишларни самарали ташкил этадилар. Шу билан бирга, қонунчиликда белгиланган асосий моддалар ва ҳуқуқий механизмлар профилактика фаолиятининг ҳуқуқий асосини таъминлайди, инспекторларнинг ҳаракатлари ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва асосли бўлишини таъминлайди. Вояга етмаганлар билан профилактик ишларнинг комплекс ва тизимли ташкил этилиши ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги ёшларни барқарор муҳитда тарбиялашга ва уларнинг ҳуқуқбузарликка йўл қўйишини олдини олишга хизмат қилади. Шу тариқа, профилактика инспекторининг фаолияти нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, балки ёшларни ижтимоий мос муҳитда тарбиялаш ва уларнинг шахсий ҳамда ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисидаги ЎРҚ263-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекси.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги ПҚ-1-сонли қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 ноябрдаги ВМ-801-сон қарори.

INNOVATIVE
ACADEMY